



ASR

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

web sayt: www.21asr.uz
@XXIasrofficial
e-mail: xxi_asr@mail.uz

8-IYUL 2021-YIL
27 (921)

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

БИЗНИНГ
МУЛОҚОТ

Пуллик
"ТОНИРОВКА"

иқтисодиётга
ҳам зарар
етказиши
мумкинми? 2



Эҳ, сенинг
ёшлигинг
менда
бўлсайди! 4



ТАРИХИЙ
УЧРАШУВ



Актам Хаитов:

Машаққатли ва шарафли синовларга тайёрмиз!

Йўл муаммоси бизнинг энг оғрикли дардимиз. Бу бир йиллик, ёки ўн йилликмас, балки ярим аср, ҳатто, сал кам бир асрга татийдиган, айтиши мумкинки, бутун мамлакат раҳбариятини ўйлантираётган жиддий муаммага айланган.

Очигини айтганда, бу суҳбатни тайёрлаш жараёни жуда осон кечмади. Негаки, партия лидерининг бўш вақтини топишнинг ўзи мушкул. Деярли ҳар ҳафта сафарда бўлади. Вилоятма-вилоят, туманма-туман, ҳудудма-ҳудуд сайловчилар, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос локомотиви бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар билан юзма-юз мулоқот, учрашувлардан ҳеч қачон толиқмайдиган, аксинча, ўзгача руҳ, мотивация оладиган O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов билан гурунгимиз партия фаолиятида содир бўлаётган янгича ўзгариш, янгиликлар, қизғин муҳокама ва мунозаралар хусусида бўлди.


Давоми 3-саҳифада.



6

Ҳозир нақд пул муаммоси борми? Албатта йўқ. Пойтахт ўз йўлига, бу табиий, лекин исталган вилоят ё туман марказларидаги тижорат банклари ва аҳоли гавжум жойларда куну тун банкоматлар ишлаб турибди.

ГАНГА
ОҚШОМИ...



12

9

ПОРА ТАКЛИФ ҚИЛУВДИ,
ЧОРА ЎЗИГА КЎРИЛДИ!



• ЯНГИ РАМЗ

партиянинг ташриф қоғозими?

XXI ASR

Куни кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов ўз кириш сўзи билан очди ва партиянинг 2021 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича йиғилганларга ҳисобот берди.

– Маълумки, бу йил ниҳоятда масъулиятли ва тарихий йил, – деди нотиқ ўз сўзида. – Олдимизда иккита муҳим жараён – мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловига муносиб тайёргарлик кўришдек долзарб масалалар турибди. Бу эса фаолликни янада ошириш, фаолиятимизни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Сиёсий куч фаолиятидаги янгиланишлар маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орқали жойларда қонунлар ва давлат дастурлари ижроси устидан қатъий назоратни йўлга қўйишга бўлган интилиш, бу борада сессияларга киритилаётган масалалар, депутатлик сўровлари сонининг кескин ошганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мана, қаранг, 2015-2016 йилларнинг дастлабки 6 ойи ҳамда 2020-2021 йилларнинг ана шу даври қиёсланганда эшитувлар **1 600 дан 3 100 тага**, сессияга киритилган масалалар **700 тадан 1 800 тага**, сессияда қабул қилинган қарорлар сони **500 тадан 1 400 тага** ва депутатлик сўровлари сони **6 мингдан 21 мингга** етганини кўрамиз.

Буни кейинги вақтда сиёсий куч ўз фаолиятини мутлақо қайта кўриб, уни максимал даражада халқ манфаатларидан келиб чиқиб ва унга яқин бўлган ҳолда амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Партия етакчиси амалдаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам қисқача тўхталар экан, “Аёллар қаноти” ташаббуси билан “**Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!**” лойиҳаси юқори самара бераётганини эътироф этди. Лойиҳада O'zLiDePдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 53 нафар,



Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига сайланган **2 280 нафар** депутат 100 нафар хотин-қизга амалий кўмак кўрсатиши белгиланган эди. Яъни ноиблар опа-сингилларни ишга жойлаштириши, тадбиркорликни ўргатиши, кредит олиш, соғлигини тиклашда кўмаклашиши, ҳуқуқий маслаҳатлар бериши, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаши жоиз эди. Ҳозиргача **1 217** нафардан ортиқ депутат лойиҳада фаол иштирок этиб, жами **5 640** нафар хотин-қизга тиббий, ҳуқуқий, моддий кўмак беришди ҳамда партия электорати бўлган тадбиркорлар кўмағида ишга жойлаштиришди.

Энг муҳими, саъй-ҳаракатлар беиз кетмади, натижаки, юртдошларимизнинг сиёсий кучга бўлган ишончи янада ортди, партия гоёларини қўллаб-қувватловчилар сони изчил ошиб бормоқда. Кейинги уч йил ичида партия аъзолари сони **400 мингдан 1 миллионга** етди! Бошланғич партия ташкилотлари сони **13 минг 500 дан** ошди!

Партия раҳбари сиёсий кучнинг фаолияти билан йиғилганларни қисқача таништиргач, навбатдаги муҳим масалага эътиборни қаратди.

– Қайд этиш керакки, O'zLiDeP ребрэндинги, унинг ўзгараётгани тўғрисида гап кетганда, албатта, нафақат унинг гоёлари, фаолияти, балки, асосий рамзи (логотипи)га ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоиз, – деди Актам

Хаитов. – Зеро, логотип партиянинг асосий ташриф қоғози ҳисобланади. Шундай экан, фаолиятдаги ўзгаришлар, албатта, унинг тимсоли бўлган рамзида ҳам ўз аксини топиши шарт.

Кейинги тўрт ой давомида жойларда бўлган турли учрашув, мулоқотларда ҳам ушбу масала юзасидан жамоатчилик фикри ўрганилди. Маълум бўлдики, бугунги талаблар даражасига мос равишда ўзгариш O'zLiDePнинг рамзида ҳам ўз аксини топиши, у илоҳотларнинг янги босқичида сиёсий куч ўз олдига қўяётган улкан мақсадларни ўзида тўла акс эттириши зарур. Токи, халқ ва халқаро жамоатчилик унда партиянинг мақсадларини кўра олсин. Муҳокамаларда кўпчилик янги логотипни тўла қўллаб-қувватлади. Хусусан, 2 июль куни бўлиб ўтган партия Ижроия қўмитаси йиғилишидан сўнг вилоят, туман ва бошланғич партия ташкилотларида айна мавзуда **2 682** та муҳокама тадбири ташкил этилган. Уларнинг **14 таси** ҳудудий кенгаш йиғилишларида, **200 дан ортиғи** туман (шаҳар) кенгашида ва **2 441 таси** йирик бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган. Ҳаммасида янгиланган рамз илиқ кутиб олинган ҳамда қўллаб-қувватланган.

Мажлисида ушбу масала юзасидан бир қатор фикрлар билдирилди ҳамда Сиёсий Кенгаш аъзолари партиянинг янгиланган рамзини бир овоздан қўллаб-қувватлаб, қабул қилишди.

Янги рамзимиз тўртбурчак шаклда

бўлиб, ўнг томони яшил, чап томони кўк рангда ва улар ўзаро уйғун, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Дилором Файзиёева**.

– Бўлажак сайловлар арафасида турибмиз, – деди видеоқонференцалоқа орқали боғланган **O'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши раиси Раҳматулло Камолов**. – Бунда барчамизнинг елкамизда нафақат эришилган голибликни сақлаб қолиш, балки уни янада мустақамлаш масъулияти бор. Бугун ушбу масъулият барчамизга эртаю-кеч тинчлик бермаслиги ва янги марралар сари доимий ундаши лозим.

Шунингдек, тадбирда Сиёсий Кенгаш аъзоларидан сенаторлар **Баҳодир Тожиёев, Холида Алимова**, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси **Мавлуда Хўжаева**, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси **Адҳам Икромов** ва бошқалар ҳам кун тартибидаги масалаларни тўла қувватлаб, октябрь ойида бўлажак сайловда ҳар бир фаол ўрнатқ бўларли даражада жонбозлик кўрсатиши ва минг-минглаб сайловчиларнинг O'zLiDePга билдирган ишончини оқлашда муносиб ҳисса қўшишини таъкидлашди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
Сардор АМИНЖОНОВ,
(суратлар муаллифи)
“XXI asr” мухбирлари



Дониёр ФАНИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP
фракцияси аъзоси

Пуллик “тонировка” иқтисодиётга ҳам зарар етказмоқда

Ташқарида камида 40 даража иссиқ. Табиийки, бундай жазирамада фуқароларнинг иқтисодий фаоллиги ва меҳнат самардорлиги пасаяди. Кундузи иссиқдан жон сақлаб, кечки

салқинда кўчага чиқай десанг, карантин чекловлари сабаб соат 20:00 дан кейин деярли барча хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти ҳам тўхталяпти. Қисқаси, ёзинг

жазирама кунлари нафақат фуқароларга ноқулайлик туғдирапти, балки мамлакат ЯИМ, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига қаттиқ зарба бўляпти. Йилнинг иссиқ

мавсумида автомобиль ойналарини қорайтиришга бепул ёки минимал тўловлар асосида рухсат берилиши фуқароларнинг иқтисодий фаоллиги ва самардорлиги ошиши

ҳамда мамлакат иқтисоди ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Тонировкани пулли қилишни ўйлаб толган ҳурматли раҳбарлар, одамларни ўйла-масангиз ҳам, ҳеч

бўлмаса, иқтисодиётни, солиқлар тушумини ўйланг. Иқтисодиёт ўсиши, бюджетга кўпроқ пул тушишини истасангиз, тонировка нархларини ёз ойлари учун бекор қилинг.

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

– Ақтам Аҳмадович, Янги Ўзбекистон деган атама урфга кирганига ҳали кўп вақт бўлмади, тўғрими? Лекин бу иборани ҳам ҳар хил талқин қилувчилар орамызда бисёр. Майли-да, ҳар кимнинг диди, савияси, ижтимоий-сиёсий қарашини битта қолипга солиш мушкул иш. Шу маънода айтинг-чи, сизнингча, янги деган жарангдор сўзнинг зиммасига юкланаётган залворли юк нима ўзи?

– Тарих шоҳид, биласиз, ҳамма замонларда ҳам янгилик истовчи, янгиликка интилувчиларга ўзгача нигоҳ, бошқача назар билан қаралган. Бу инсон фарзандининг табиатида бор нарса. Оддий мисол, жадид боболаримиз тақдирини эсланг. Қанчалар оғир синовларни бошдан кечирган. Ҳеч бир жамиятда янгиликчилар оммавий равишда ижобий қабул қилинмади.

Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, мамлакатимиз сиёсий саҳнасида, жумладан, ижтимоий, маънавий, иқтисодий ҳаётида, жуда қисқа фурсат – яқин 4-5 йиллик муддат тарихий бурилиш даври бўлди, дейишга ҳаммамизда тўла асослар етарли. Демак, Ўзбекистонда бутунлай янги ўзгаришлар замони бошланди, десам муболаға бўлмайди. Ана шу мезондан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, “янги” деган сўз бизга бегона эмас. Ва табиийки, ушбу атаманинг ўзига хос мазмун-моҳияти партияимизнинг бугунги амалий фаолиятига ҳам ҳамоҳанг, десам мақтанчоқликка йўймайсиз.

– 30 йил балки тарих учун арзимас фурсат бўлиб туюлар, лекин бизнинг ота-боболаримиз орзу қилган мустақиллик деган улғу бойлик, бебаҳо неъматга эга бўлган халқимиз учун бу унутилмас йиллар азиз ва қадрлидир. Шу ўринда қарийб 18 йиллик машаққатли ва шарафли довонни босиб ўтаётган O‘zLiDeP учун 2021 йил янада масъулиятли ва тарихий йил бўлиши кутуляпти. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги, қолаверса, яна бир муҳим сиёсий жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига мамлакатда етакчи партия деган қақомга эга бўлган сиёсий куч қандай тайёргарлик кўрмоқда деган саволлар кўпчиликни қизиқтиряпти?

– Сиёсий жаҳҳада, биласиз, ҳеч қачон танаффуз бўлмайди. Президентлик сайловини оласизми, парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўладими, аслида жараён тугамайди, аксинча, қайтадан янгилик руҳ ва куч билан навбатдаги синовлар, курашларга тайёргарлик бошланади. Демак, биз ҳам бу борада тўхтаб қолганимиз йўқ. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – O‘zLiDeP ҳам халқ билан бевосита мулоқот тамойилини танлагани бежиз эмаслигини ушбу сиёсий куч фаолиятини бевосита кузатган киши чуқур англаб етади. Масалан, биз ўз электоратимиз бўлган тадбиркорлар, фермерлар ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан ўтказаятган мунтазам мулоқот, учрашувлар доирасида

улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган омиллар ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаш билан бирга, имкони борича ижобий ечим топишга ҳаракат қилаямиз. Аҳоли билан мулоқотларда бутунлай янгилик, жонли ва халқчил усуллардан фойдаланилмоқда. Партия раҳбарияти ва фаоллари, депутатлик корпуси вакиллари жойларда кўпроқ бўлиб, асосий вақтини аҳоли орасида ўтказишга ҳаракат қилаётгани ҳам одамларда ўзгача ишонч уйғотяпти. Айниқса, ҳудудлардаги O‘zLiDeP тузилмаларида аҳоли мурожаатлари, шикоятлари билан ишлаш тизими кенг йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, парламентдаги партия фракцияси орқали ислохотларнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида ҳам мутлақо ўзгача ёндашувлар жорий



– Аввалданоқ айтиб кўяй: бу ўзгариш ҳақида кеча ёки бир ой аввал

ланган. O‘zLiDeP сўзидаги “I” ҳарфи устидаги 8 кирралли юлдуз ҳам сарик рангда тасвирланган.

– Кўпчилик учун қизиқ-да барибир, бу ранглар қандай мазмун касб этади?

– Мовий кўк ранг – бегубор осмон ва тиниқ сув, иккиси ҳам ҳаётнинг, тирикликнинг асосий тимсоллари ҳисобланади. Яшил ранг – навқиронлик, умид ва шодмонлик белгиси. Оқ рангнинг ҳаммамиз биламизки, поклик, бегуборлик, софлик, ойдин орзу-хаёллар, ички гўзалликка интилишни англатади.

Сарик ранг ҳақида гап кетганда таъкидлаш лозимки, бу дунё либерал-демократик ҳаракатининг ранги саналиб, инсоният йўлларини ёритувчи кўш ёғдусини, эркинликка интилиш, эртанги кунга умид, фаровон турмуш қуришга ишончли билдириб, она юрт ва халққа садоқатни ифодалайди.

8 кирралли юлдуз – бу энди мустақил, жонажон Ўзбекистонимиз жипслиги, бирдамлигининг ажойиб рамзи.

Сарик рангдаги тўғри қалин чизик O‘zLiDePнинг либерал-демократик гояларга содиқлигини намоён этади.

– Ребрендингга аниқ, лўнда ва соддагина таъриф бердингиз, раҳмат. Олдинда эса Янги Ўзбекистонимиз тараққиёти ва кенг кўламли ислохотларнинг бардавомлигини белгилаб берувчи янада жиддийроқ ва масъулиятли жараён президентлик сайлови сиз раҳбарлик қилаётган партия аъзолари ва хайрихоҳларини кутиб турибди...

– Саволингиз моҳиятини тушундим. Бу сайлов нафақат бизнинг маслақдошларимиз ёки электоратимиз вакиллари, балки бутун халқимиз учун ҳам ўзига хос унутилмас тарихий воқеа бўлиши кутуляпти. Ва айтиш мумкинки, бу йилги сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби аён, бугунги сайловчининг сиёсий саводхонлиги, тафаккури, ҳаётга, жараёнларга муносабати бундан 10-15 йил бурунги сайловчи билан солиштирсангиз бутунлай ўзгарган. Шу маънода тўла ишонч билан айта оламани, партияимизнинг бир миллиондан ошаётган ҳар бир онгли аъзоси, фаоллари, депутатларимиз бу борада ўрнатилган даражада ўзига хос жонбозлик кўрсатади. Зеро, барчамизнинг мақсаду ниятларимиз ёруғ.

Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган Ватанимизда тинчлик, осойишталик, фаровонлик барқарор бўлсин. Асосий мезон, халқимизни рози қилишдек гоёта машаққатли ва шарафли ишларимизда ҳаммамизга омад ёр бўлишини тилаймиз!

Норқобил ЖАЛИЛОВ
сўхбатлашди.

Ақтам Жаитов:

Машаққатли ва шарафли синовларга тайёрмиз!

этилмоқда. Депутатлар томонидан киритилаётган қонунчилик оид ташаббусларнинг аксарияти айнан бугун аҳолини ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

– Бевосита сиз лидерлик қилаётган партия аъзоларининг сони 1 миллиондан ошгани катта натижа, албатта. Ўз навбатида, жиддий масъулият ҳам юклаши табиий. Шундай экан, ҳар қандай партиянинг нуфузи, жамиятда тугган ўрнини рақамлар эмас, балки сифат даражалари белгилайди. Бу ҳақда нима дея оласиз?

– Фикрингизни юз фоиз қўлаб-қувватлаган ҳолда, кўшимча фикр сифатида айтишим керакки, биз ҳам ҳали сон кетидан қувганимиз йўқ. Сўзимга ишонмаганлар бўлса, марҳамат, исталган ҳудудга бориб, шунча йилдан бери партияимиз сафида собит юрганлар ва, ўз навбатида янги аъзолар билан ҳамсуҳбат бўлишингиз. Оддий ҳақиқат шуки, O‘zLiDeP кейинги уч-тўрт йил орасида ўз фаолиятини мутлақо қайтадан кўриб чиқиб, ишларини максимал даражада халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилаяпти. Партияимиз томонидан жойларда олиб борилаётган ислохотларга уйғун ҳолда, самарали ишлар қилинаётгани сабабли кўпчилик юртдошларимиз мутлақо ихтиёрли бўлиб аъзо бўлишяпти. Юзлаб, минглаб мисоллар келтиришим мумкин.

– Кўни кеча қизиқ бир янгилик бўлибди: O‘zLiDeP жаҳон сиёсий лугатида кенг қўлланиладиган “ребрендинг” сўли янгича қадам ташлабди – партиянинг кўп йиллик рамзи (логотипи) ўзгарибди!

ўйлангани йўқ. Аксинча, Президентимизнинг сиёсий партиялар вакиллари билан жорий йил 2 февралда бўлиб ўтган учрашувида кўтарилган долзарб вазифалар ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш жараёни билан боғлиқ кечди. Яъни, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда партиянинг парламентдаги фракцияси томонидан шу йил 8 февралда ўтказилган йиғилиши қарори билан ребрендингни амалга ошириш бўйича махсус экспертлар гуруҳи тузилди. Ушбу масала партия Сиёсий Кенгаши муҳокамасига киритилгунга қадар бўлган даврда логотип борасида партия аъзолари ва аҳоли вакиллари фикрларини ўрганиш бўйича барча вилоятларда мулоқотлар ташкил қилинди. Мақсад янги рамзининг кенгроқ даврада ҳақиқий халқчил логотип сифатида шаклланишига эришишдан иборат эди. Қувонарли жиҳати, аксарият ҳудудларда бу янгилик илиқ кутиб олинди. Мисол учун, шу кунга қадар 2 682 та тарғибот тадбири ташкил этилган бўлса, унинг 14 та ҳудудий кенгаш йиғилишлари, 255 та туман кенгаши ҳамда 2 441 та йирик бошланғич партия ташкилотидан айнан шу мавзуга оид тадбирлар ўтказилди. Сабаби, ребрендинг кенг жамоатчилик, айниқса, электоратимиз вакиллари билан ўтказилган жонли мулоқотлар, учрашувларда ўз аксини топиши керак эди.

– Шу ўринда O‘zLiDePнинг янги рамзи логотипига қисқача тавсиф берсангиз.

– Янги логотип тўртбурчак шаклда бўлиб, тўртбурчакнинг ўнг томони яшил, чап томони кўк рангда ва улар ўзаро уйғунлашган. Кўриб турганингиздек, тўртбурчакнинг ичида O‘zLiDeP деган сўз лотин алифбосида ёзилган.

Эътибор бераётган бўлсангиз, тўртбурчакда O‘zLiDeP сўзи оқ рангда, унинг пастки қисмида қалин тўғри чизик сарик рангда тасвир-

Эҳ, сенинг ёшлигинг

Томошабин бўлишга ҳаққимиз йўқ

Авалло таъкидлаш керакки, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунинг амалий тасдиғини қўллаб-қувватлашда кўриш мумкин.

Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, хотин-қизларимизга ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, O'zLiDeP ушбу йўналишдаги хайрли ишлардан четда тургани йўқ. Масалан, яқинда "Ёшлар қаноти" томонидан касб-ҳунарга эга бўлмаган йигит-қизлар

учун "Замонавий касблар" онлайн маҳорат дарслари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жаҳон ва минтақада кенг муҳокама қилинаётган масалаларда ёшларнинг фикрлари, мутахассислар, депутатлар нуқтаи назарини ёритиб бориш, уларнинг қарам-қарши фикрлари асосида янги таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган "Ёшлар билан" онлайн мулоқот телевизион лойиҳаси амалга оширилляпти.

Эътиборли жиҳати, эртанги кун эгаларининг тадбиркорлик ташаббуслари, ғояларини кўпроқ қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган "Ёш инноваторлар ва технологлар" танлови лойиҳаси тайёрланди. Қолаверса, "Келажак депутатлари" лойиҳасини тизимли ташкил этиш орқали 5000 нафар ҳудудий партия ташкилотларидаги фаоллар 2300 нафар маҳаллий кенгаш депутатларига бириктирилди. Яна бир ибратли томони, "Бугунги кун ёшлари эртанги



кун истиқболлари" мавзuida "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар"га киритилганлар муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Истаймизми-йўқми, тарққиёт сари дадил қадамлар ташлашимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилаёттир. Энди томошабин бўлиб қараб ўтиришга асло ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, халқимиз ва давлатимиз раҳбарининг ишончини ўз амалий ишларимиз билан оқламоғимиз керак!

Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари

Тарихий учрашув

Шахсан менинг ҳаётимда бу кун ўзгача маъно-мазмун касб этиши билан алоҳида аҳамиятга эга десам арзийди. Сабаби, Ёшлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг фармонида биноан бир гуруҳ тенгдошларим қаторида менга ҳам "Дўстлик" ордени тантанали равишда топширилди.

Қувончимни сўз билан ифодалашга таъриф тополмайман. Нега десангиз, бизнинг ёшимиздаги йигит-қизларга эришган камтарин хизматларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилгани чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий маърузаси барчамизга жиддий маъсулият юклайди. Белгилаб берилган энг муҳим вазифа ҳамда йўналишларни ўзим ишлаётган Ёшлар ишлари агентлиги жамоаси билан



бамаслаҳат таҳлил қиялғимиз, муҳокамаларимиз мавзуси ҳам олдимизда турган ана шу долзарб масалаларга бағишланяпти.

Юртбошимиз маърузаларида таъкидлаб ўтганидек, "Бизнинг томирларимизда ана шундай улғу боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир."

Юртимизда улғу ниятлар билан Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида қўйилаётган қутлуғ қадамлар хайрли бўлсин.

Дилнозахон КАТТАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари,
"Дўстлик" ордени соҳибаси

Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, очигини айтмай, яна ёш бўлгим келиб кетди, навқирон авлодга жуда ҳавас қилдим. "Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!" дея янграган самимий мурожаат тиллардан дилларга кўчгани ҳам айни ҳақиқат.

Мамлакатимиз равнақи учун фидойилик кўрсатиб келаётган, ўз билими, салоҳияти, янгилликларга интилувчанлиги, шижоати, мардлиги, эзгу орзуларини амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиб келаётган бир қатор ёшларнинг давлат мукофотлари билан катта аудитория кўз ўнгига тақдирлангани ҳам таҳсинга сазовор.

Мен учун янаям қувонарлиси, бевосита давлатимиз раҳбари қўлидан ушбу шарафли мукофотларни олиш бахтига муяссар бўлган қорақалпоғистонлик 9 нафар йигит-қизнинг 3 нафари O'zLiDePнинг фаол аъзоси экандир.

Улар орасида "Дўстлик" ордени билан мукофотланган Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Абатбай Данияров, "Келажак бунёдкори" медали кўксига тақилган

Ҳавасим келди сизга!

Ёшлар ишлари агентлигининг Бўзатов тумани бўлими бошлиғи Низаматдин Торемуратов, "Мард ўғлон" сифатида эътироф этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси Арман Нурниязов юзлаб ёшларга намуна бўла олади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида ёшларга бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида 50 мингдан зиёд энгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохбчалари барпо этилишини таъкидлагани юксак эътиборнинг яна бир амалий намоиши бўлди.



Яна бир ажойиб янгилликни эшитиб, ҳайратга тушади одам. Маърузадаги "Янги ўқув йилидан бошлаб барча учун таълим кредити имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкасида, яъни, жорий йилда 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунга қўшимча равишда, таълим кредитларини қоплаш учун йўналтирилган маблағлар даромад солиғидан ҳам озод қилинади.

Бундан ташқари, "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг фарзандларига, олийгоҳдаги ўқишининг биринчи йили учун контрактни бюджетдан тўлаб

бериш тартиби жорий этилади" деган сўзларни аввал эшитганмидик? Албатта, йўқ! Демак, ёшларга қаратилаётган эътибор замирида бутун мамлакат тақдири ётибди, десак янглишмаймиз.

Ёки Ипотека дастури доирасида уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга қўшимча 2 мингта квота учун бюджетдан 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши ҳақидаги сўзлар қайси биримизни бефарқ қолдиради? Бу нафақат навқирон авлод вакилларини, балки ҳаётнинг оғир ва машаққатли доvonларини мардона босиб келаётган катта ёшдаги инсонларни ҳам қувонтириши табиий. Сабаби, бундай имконият, имтиёзлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмагани аниқ.

Алоҳида таъкидлаш керак бўлса, шахсан мен ушбу байрам маросими ниҳоясида Президентимизнинг "Биз сизларнинг ақл-заковатингиз, куч-ғайратингиз, келажакка ишончингиз, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатингизга таяниб, маррани ниҳоятда баланд олдик. Ушбу вазифаларни барчамиз биргалиқда муваффақият билан амалга оширишимизга ишончим комил, албатта" деган пурмаъно сўзлари, умидбахш даъватларидан гоят руҳландим.

Шарап ОТЕМИСОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати

менда бўлсайди!



Бугунги кунда сайёрамизда яшаётган аҳолининг 20 фоизини, мамлакатимизда эса кўрсаткич 60 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Бу кичкина кўрсаткич эмас.

Айтиш мумкинки, бу Учинчи Ренессанс пойдеворини кўяётган Янги Ўзбекистонимиз яқин келажакда ҳақиқий ёшлар

мамлакатига айланажagini кўрсатади. Мамлакатимизда жорий йил Президентимиз ташаббуси билан "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Давлатимиз раҳбарининг Ёшлар кунига бағишланган

Фаолликка даъват бу!

тантанали маросимдаги маърузаси ва унда белгиланган устувор вазифалар келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш йигит-қизларни янада руҳлантириб юборди, уларни янада олға интилишга ундайдиган тарихий маъруза бўлди десак, тўғрироқ бўлади.

Инсон капиталини ривожлантириш, табиийки, бир кунлик ё муддати белгиланган иш эмас. Мазкур миссия комплекс ёндашув ва узоқ муддатли чора-тадбирларни талаб қилади. Бу борада тайёр ечимлар йўқ. Ҳар қайси мамлакат ўз йўли ва йўналишини мустақил тарзда белгилаб олмағи даркор.

Айтиш керакки, маърузада ёшлар капиталини ривожлантириш борасида аниқ, манзилли йўналишлар белгилаб берилди. Ана шундай амалий йўналишлардан бири

эндиликда ҳар ўқув йили якуни билан туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Энг муҳими, мазкур дастурда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида қанча ёшларни касб-хунарга ўқитиш, қанчасини иш билан таъминлаш, нечта стартап ва тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш алоҳида белгиланади. Зеро, ёшларни иш билан таъминлашда уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

Айтиш керакки, ушбу ташаббус, аввало ёшларни эзгу гою ва лойиҳалар атрофида бирлашишга, уларда бизнес

билан шуғулланиш учун иш-ёқ уйғотишга хизмат қилади.

Маърузада улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшлар – асосий таянчимиз ва суянчимиз эканлиги давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Негаки, давлатимиз эртасини айнан билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар ёшлар белгилайди. Шу маънода маърузада белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда барча бугундаги депутатлар ҳам фаол ва ташаббускор бўлишлари лозимлигини вақт кўрсатаяпти.

Сардор ФИЁСОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

"Илмни қадрланг, илмга интилинг!"



Давлатимиз раҳбарининг ёшлар ва талабалар форумидаги янграган нутқидаги ушбу сўзлар энг қанотбахш даъватларидан бири бўлди, десам муболаға қилмайман.

Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган анжуманда йилларга қандай ном берилишидан қатъи назар, энди ёшлар мунтазам эътибор марказида бўлиши давлатимиз раҳбари томонидан банд пардаларда эълон қилиниши, шубҳасиз, биз, фарғоналик ёшларни ҳам гоёта руҳлантириб юборди. Иқтибос сифатида келтирилган Эркин Воҳидовнинг "Ёшликдаги куч-ғай-

ратни эл-юртига бахш этган йигит-қизлардан Ватан ҳам, халқ ҳам, ёшликнинг ўзи ҳам рози бўлади", деган сўзлари биз учун ҳаётий ширга айланди.

Шу ўринда оламшумул ютуқлар ва илмий кашфиётлар, ўлмас бадий асарлар яратган буюк аجدодларимиз айнан бизларнинг ёшимизда бўлганини теран англаш катта аҳамиятга эгадир. Иқтидорли ўғил-қизлар учун "Беруний издошлари", "Мирзо Улуғбек ворислари", "Алишер Навоий давомчилари" каби кўрик-танловлар ўтказилиб, голибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилиши ҳам ёруғ келажак бунёдкорларининг интилиши, мутолаа маданиятини ривожлантириши ва изланишига туртки бўлади.

Навқирон авлодининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида "Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!" деган яна бир янги ташаббус илгари сурилди. Эндиликда халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш ва ғайратли ўғил-қизлар учун Олий Мажлис депутати ва сенаторлари бириктирилиши кутилмаган янгилик эмасми?

Яна бир ибратли ташаббусни қаранг, олий таълим муассасасига ўқишга киришда давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага оширилгани ва 2 мингта грантнинг қизларимиз учун алоҳида ажратилгани ёшларнинг билим олиши йўлида ташланаётган энг муҳим қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдирган ишончи барчамизга улкан шижоат ва эртанги кун сари ёруғ умидлар бағишлади.

Дилнозаҳон ТУРСУНОВА,
Зулфия номидagi
Давлат мукофоти соҳибаси



Омад кулгани шу-да

Ёшлар куни деган ибора ҳаётимизга кириб келганига ҳали кўп бўлмади. Лекин қисқагина вақт ичида бу сана бутун мамлакат миқёсида ўзига хос айёмга айланиб улгурди.

Ўзимдан қиёс: катта бир жамоанинг оддий аъзоси нуфузли анжуманга таклиф этилиб, яна денг, давлат раҳбари имзолаган фармонга биноан "Келажак бунёдкори" медалига сазовор бўлганим мен учун унутилмас воқеага айланиб

кетди.

Шу билан бирга зиммамга жиддий масъулият ҳам юкланди. Энди икки ҳисса қаттиқроқ ишлашим, жамоат ишларида янада фаол бўлишим зарур. Албатта, бугунги кун ёшлари ҳам ҳамма авлод вакиллари тақдирида ёзилганидек, оғир ва шарафли синовлардан муваффақиятли ўтишлари аниқ. Бу йўлда барча тенгдошларимга омад ёр бўлсин дейман!

Наргиза АТАҚУЛОВА,
"Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти руҳ заводи лаборанти, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси

Тармоқ кенгайса, бандлик ҳам ортади

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Аёллар қаноти "Ишбилармон аёл - 2021" кўрик-танловининг Кегейли, Кўнғирот, Қонлиқўл, Тахтақўпир, Қораўзак, Чимбой ва Нукус туманлари босқичида 100 нафардан зиёд ишбилармон хотин-қиз иштирок этди.

Масалан, танловнинг Кегейли туман босқичида қатнашган Палзада Салиева анчадан буён деҳқончилик билан шуғулланади. У раҳбарлик қилаётган "Арзу" фермер хўжалиги кўп тармоқли, асосан буғдой, пахта, шולי ва чорвачиликка ихтисослашган. Ҳар йили буғдой ва пахта топшириш шартномасини ортиғи билан бажаради. Балиқчилик, асаларичилик билан ҳам шуғулланади. Фермер

опанинг мақсади ва режаси аниқ. Шу йил хўжалик қошида буғдойни қайта ишлаш кичик ун заводи, кондитер ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш ниятида. Ун заводини очса, бир талай ёш ишли бўлади.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг билим ва тажрибаси, ҳуқуқий саводхонлиги, тадбиркорлик фаолиятини ҳолисона баҳолади.

Танлов якунида 3-ўрин "Гулбоғ-лолазар" фермер хўжалиги раҳбари Г.Базарбаевага, 2-ўрин "Даўлетбаева Роза" тикувчилик цехи раҳбари Р.Даўлетбаевага, 1-ўрин "Арзу" фермер хўжалиги раҳбари П. Салиевага насиб этди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



Муносиблар ичра энг муносиб

Танловнинг Гулистон шаҳар босқичида ғолибларни саралаш осон кечмади.

Шубҳасиз, О'zLiDeP лойиҳаларидан бири бўлган "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови ҳам бошқа қатор танловлар каби ўз тадбиркорлигига эга бўлган хотин-қизлар фаолияти янада ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Манзура Жиянова Намуна маҳалласида тикув цехи очиб, 20 та янги иш ўрни яратган. Хунарманд Наргиза Марасулованинг тўқиш, тикиш бобидаги маҳоратига таҳсин айтгингиз келади. Устоз-шогирд аънанасини изчил давом эттираётган бу ишбилармон ҳар бир маҳалладан 5 нафардан кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул хунар ўргатиб келмоқда. Ҳикматой Маматованинг қўғирчоқлари ҳам жуда харидорғир. Ўғилой Мирзаева кўрпа-тўшак тикиш борасида, Раъно Эшбоева эса заргарлик маҳсулотларини тайёрлаш бобида ўз касбининг устаси. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, уларнинг

ҳар бири тинимсиз меҳнати ва фидокорлиги билан иқтисодий-миз мустақкамланишига ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳакамлар ҳайъати танлов қатнашчилари меҳнатини ҳолисона баҳолаб, уларнинг хотин-қизлар учун қўшимча иш ўрни яратгани, фаолият турларидан келиб чиқиб, экспорт-импортга йўналтиргани ёки қандай маҳсулот ишлаб чиқаргани, аҳолига кўрсатаётган хизматлари ҳамда янги инновацион ғояларни қўллаганига эътибор қаратди.

Ана шу асосларга кўра, тадбиркор Манзура Жиянова биринчи ўринга муносиб кўрилди. Раъно Азимбоева ва Ўғилой Мирзаевадан иккинчи ва учинчи ўринни банд эттишди.

Шунингдек, Рухсора Набиева "Энг ёш, фаол аёл тадбиркор", Наргиза Марасулова "Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли", Юлдуз Берқўзиёва "Замонавий ташаббускор аёл" номинациясига муносиб деб топилди.

Бир сўз билан айтганда, энг ишбилармон аёлларга танлов ғолиби бўлиш насиб этди.

Дилором ЭСОНОВА



ФАРҒОНА

Иш билан таъминлагани учун

О'zLiDeP Тошлоқ туман кенгаши ўтказган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловида 15 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўз кўргазмалари билан иштирок этди. Дилоромхон Аҳмедова танлов ғолибаси сифатида эътироф этилиб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

дафтарлари рўйхатида турган 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Ўз уйида трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Иккинчи ўринни Гулноза Зияева, учинчи ўринни эса Зулфияхон Ҳасанова эгаллади.

Танлов якунида ғолиблар ҳамда барча иштирокчиларга партия Тошлоқ тумани кенгашининг эсдалик совгалари ҳамда ташаккурномалари топширилди.

О'zLiDeP Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати

Дилоромхон шу кунга қадар ўз худудидаги ишсиз бўлган, "Темир" ва "Аёллар"

Эътироф

Ҳаётимизни ўзгартирган воқеа



Беш-олти йил аввал нақд пул масаласи буйича бутун мамлакатда қанча муаммоларга дуч келганимизни бир эслайлик. Кундалик эҳтиёж учун зарур мева ва сабзавотларни бозордан сотиб олишдан тортиб, жамоат транспорти тўловига ҳам деярли нақдини топиш мушкул эди.



ва тараққий этган давлатлари ҳам кўп бора эътироф қилапти.

Ҳозир нақд пул муаммоси борми? Албатта, йўқ. Пойтахт ўз йўлига, бу табиий, лекин ис-талган вилоят ё туман марказларидаги тижорат банклари ва аҳоли гавжум жойларда куну тун банкوماتлар ишлаб турибди. Тўғри, ҳар тўқисда бир айб деганла-



ридек, баъзан бу борада ҳам айрим камчиликлар учраб турибди. Буни ҳам инкор қилолмаймиз.

Тан олиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ана шу биргина ташаббуси билан иқтисодий-ти-

миз ривожиди, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда қанчалаб янгилик, ўзгаришлар рўй берди. Бугун оддийгина кўринаётган ва ҳозир одамлар учун табиий ҳолга айланиб қолган ушбу тарихий воқеа моҳиятини ҳаммамиз теран англашимиз, унинг мамлакатдаги улкан ислохотларда нақадар улкан аҳамиятга эга эканини ҳар қанча эътироф қилсак арзийди.

Достон СОБИРОВ, тадбиркор

Ойлик иш ҳақи, пенсия ва нафақалар асосан пластик картага туширилгани сабабли нақд пул қилиш учун кимларгадир ялинганларимиз ҳали эсдан чиққани йўқ. Шунчаки эмас, 15-20 фоизидан воз кечиш ҳисобига, албатта. Қорхона ва ташкилотлар эса ўз маблағини конвертация

қилишнинг йўлини тополмасди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида илк бор валюта конвертацияси эркинлаштирилиши кўп нарсани ўзгартиргани аниқ ҳақиқат. Буни, аввало, халқимиз, қолаверса, дунёнинг ривожланган

XXI ASR
O'zLiDeP Навоий вилояти кенгаши хузуридаги "Аёллар қаноти" бўлими "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" шиори остида томорқачилар учун маҳорат дарслари ташкил этди.

Деҳқоннинг бисоти – ер...



илк Президентлик ташрифи чоғида.

Навоий шаҳар Гулистон массивида "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади!" тамойилини ҳаётга жорий этиш мақсадида бел-

унумли фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган "Намунали томорқачи" лойиҳаси доирасида маҳорат дарслари ташкил-лаштирилди.

Маълумки, тадбиркор Ма-лоҳат Сафарова раҳбарлигидаги "Фай-зиобод гарденс" МЧЖ томонидан "Маҳалла дафтари"га ва рўйхатга киритилган вақтинча ишсиз ёшлар ва кам таъминланган оилалар учун ҳар бири 2 сотихли 40 та иссиқхона қурилиб, бир йиллик синов муддати билан бепул фойдаланишга топширилган эди. Берилган мазкур имтиёздан тўғри фойдаланишлари учун ёшларга тажрибали томорқачиларнинг амалий маслаҳатлари зарурлигидан келиб чиқиб, ушбу маҳорат дарсида "Намунали томорқачи" кўрак нишони соҳиби Райҳон Саидованинг амалий тренинги ўтказилди.

Донгдор деҳқон Райҳон Саидова ҳар бир иссиқхона-ни кўздан кечириб, иссиқхона эгаларига ютуқ ва камчиликларини тушунтирди. Жумладан, деярли ҳам-

маларида кузатилган асосий хато – ерга экинни аралаш экиш, ўз вақтида суғориш нормаларига амал қилмаслик, шунингдек, ер агротехникаси билан ишламаслик эканлиги қайд этилди. Семинар давомида томорқадан мўл ҳосил олиш технологиялари, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ўғитлардан фойдаланиш усуллари ва бош-



қа то-морқа-чиликнинг кўплаб сир-ас-рорлари юзасидан ёш ер эгаларига керакли тавсиялар берилди.

– Бунақа шарт-шароит ҳамиша ҳам бўлавермайди. Бир коса ошинг увол бўлса, ичинг ачийди. Ернинг ҳам сўрови бор. Ундан унумли фойдаланиш керак. Фойдаланишни билмаган сўрасин, ўргансин. Ерга меҳрини берганга ер нон-насиба қайтаради, – дейди "намунали томорқачи" Райҳон Саидова.

Дарҳақиқат, деҳқоннинг бисоти – Ер! Бир парча томорқаси борнинг ҳазинаси бор. Бу хазинанинг синоатига етиш учун эса унинг илмини чуқурроқ англамоқ, меҳнатга ҳам фаросату фасоҳат билан ёндашмоқ керак.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА,
O'zLiDeP Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Партия дастурида белги-ланган вазифаларни амалга ошириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган ушбу дарслар "Намунали томорқачи" лойиҳаси доирасида ўтказилди.



"Одамларнинг дунёқара-раши, меҳнатга муносабати ўзгармоқда. Дунёқарашни нима ўзгарилади – илм, даромад, манфаат." – деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига

гилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, ишбилармонлик салоҳияти, оилавий тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан

Таклиф

Тўртинчи йўлни кўрсатинг!

XXI ASR
Ҳар куни интернетни кузата-миз, ўзимизнинг оммавий ахборот воситаларимиз орқали кундалик воқеа-ҳодисаларни таҳлил қиламиз. Турли мавзуларда баҳс-муно-заралар тинмайди. Улар орасида шахсан мен учун азалдан қизиқ бўлган бир мавзу бор. У ҳам бўлса, йўл – йўловчи – ҳайдовчи масаласидир.



Хўш, уларни боғлаб турувчи қандай ришталар бор, деб ўйлайсиз? Нега жамоатчилик орасида ушбу учта глобал муаммо ўртасидаги жумбоқ йиллар давомида муҳокама қилинади-ю, лекин ҳеч қачон жўялироқ жавоб топилма-япти? Муаммо қаерда, ечим-чи?

Яқинда телевидениеда айнан ана шу мавзуга доир кўрсатувни кўриб қолдим. Йўл муаммоси бизнинг энг оғрикли дардимиз. Бу бир йиллик, ёки ўн йилликмас, балки ярим аср, ҳатто, сал кам бир асрга татийдиган, айтиш мумкинки, бутун мамлакат раҳбариятини ўйлантираётган жиддий муаммага айланган. Тўғри, ҳар йили йўл қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар чуқур таҳлил этилади, чоралар белгиланади, амалий

ишлар сарҳисоб қилинади. Бу борада ҳукуватимиз ва масъул ташкилотлар, албатта, жиддий ислохотларни амалга ошираётгани аниқ.

Ана энди йўловчи масаласига қай-тамиз. Аслида ҳаммамиз йўловчимиз. Кимдир жамоат транспорттида, кимдир давлат, яна бировимиз шахсий автомо-биллимиздан фойдаланамиз. Шу ўринда яна савол туғилади: хўш, йўловчи ма-данияти ёки уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаати қай даражада ҳимоя қилин-ган? Бу каби саволлар ҳам жиддий баҳсларни келтириб чиқараяпти. Қонун яратувчилари олдида кўндаланг турган бу каби жумбоқлар ҳам ислох этишга

мажбур дейишга бизда асослар кўп. Демак, оддий аҳоли билан бу борада кўпроқ мулоқотлар уюштирилса, аини мурдао бўлар эди.

Ниҳоят, ҳайдовчи билан боғлиқ ҳаё-тий тартиб-қоидалар, қонунчиликда белгиланган нормалар анча баҳсталаб. Боиси бугунги жамиятда бу тоифа вакиллари камчилик фоизни ташкил этмаяпти. Аксинча, уларнинг сафи кенгайса кенгайяптики, асло камайгани йўқ. Шу ўринда, уларнинг ҳақ-ҳуқуқла-ри бўйича кўпдан бери мунозаралар тўхтамаяпти. Хўш, улар қайси қатламга киради, ўзини банд этувчиларгами ёки бошқа соҳагами? Асосий жиҳат шуки,

XXI ASR
215 гектар кумли ерлар ўзлаштирилиб, 100 гектарига интен-сив мевали ниҳоллар, 50 гектарига узум кўчатлари экилган бўлса, қолган 50 гектарига маҳаллий мевали дарахтлар экилиши режалашти-рилган. Бу Янгибозор тумани Бўзқатъла қишлоғидаги эзгу ишлар самараси...

Фермерлар интен-сив боғларнинг афзаллигини яхши билади. Дарахтларнинг тана-си кичик бўлгани учун ишлов бериш, суғориш, кесиш, дори сепиш ва мевасини териш жуда қулай. Ниҳоллар тана-

Янгибозорнинг янги боғлари

сига ёруғлик тушиши, ҳаво айланishi яхшилиги боис мевасининг сифати юқори бўла-ди. Масалан, оддий олмали боғнинг бир гектаридан 10-20 тоннагача мева етиштириш мумкин. Пакана ва ярим па-кана дарахтлардан эса 50-80 тоннагача ҳосил оلسа бўлади.

Дарахт ва тоқлар ҳосилга киргунга қадар қатор орасида-ги ерлар "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"даги фука-роларга "Ҳар бир ёшга бир гек-тар" лойиҳаси доирасида икки томонлама шартнома асосида ижарага берилди.

Келажақда томчилатиб суғориш технологияси йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Боғ яқинида 500 тонналик мева сақлайдиган совуткич омбор-лар қурилиши, мевани қайта ишлаш ускуналари ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш каби режалар аста-секин амалга оширил-моқда.

Гулбахор ХУДАЙБЕРГАНОВА,
O'zLiDeP Янгибозор туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ижрочи котиби

улар ҳам халқимизга беминнат хизмат кўрсатувчи тармоққа мансуб десак, асло янглишмаймиз.

Шундай экан, келинг, қонун яратув-чилари билан бамаслаҳат ҳолда ушбу учта йўлни ислох қилишга киришайлик. Ана шундагина "тўртинчи йўл"га ҳоҳат қолмайди.



Шавкат АЗИЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, Қарши муҳандис-лик-иқтисодиёт институти доценти



O'ZBEKISTON JURNALISTLARI IJODIY UYUSHMASI

Диққат, танлов!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳамда Бадий академия мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган.

"ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ"

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган асарлар – материаллар қабул қилинади.

"Энг улуг, энг азий" танлови куйидаги номинациялар буйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;

- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- интернет-журналистика;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИЖОДИЙ ИШЛАРГА КҮЙИДАГИ ХУЖАТЛАР

ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:

- ✓ муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот (объективка);
- ✓ муаллифнинг паспорт нусхаси
- ✓ иш жойидан тавсиянома;
- ✓ муаллифнинг манзи-

ли ва телефон рақами.

Танловга 2020 йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 1 августигача булган даврда эълон қилинган материал – асарлар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азий" танловига деб кўрсатилган ҳолда, ўз йўналишлари буйича куйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Тел.: 71-244-64-61.

Ўзбекистон "Тасвирий ойна" уюшмаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Тел.: 71-244-1164.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри Бунёдор кўчаси Адиблар хиёбони. Тел.: 71-231-83-49.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси 1"А" уй. Тел.: 71-277-81-49

ЭЪЛОН

"INTEGRAL ILM SARI"

Масъулияти чекланган жамияти муҳри ва штампини йўқотганлиги сабабли, ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаровга онаси Раъно аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши раиси Ислам Файзуллаевга турмуш ўртоғи Каромат Жуманиевнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қарши шаҳрида "Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими" касб кўриқ-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.



Муҳтожларга кўмаклашиш саодати

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги тўрт йилда 27 та тиббий-ижтимоий муассасаларда 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилгани фикримиз далилидир.

Қашқадарё вилоятида 3 та тиббий-ижтимоий муассаса капитал таъмирланди. Шунингдек, Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда уруш меҳнат фахрийлари Қарши санаторияси ташкил этилди.

Санаторийларда соғломлаштириш ишлари 20 фоизга ортди. Ўзгалар парваришига

ларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Саховат" ва "Муруват" интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга замин яратди.

Анъанавий равишда уюштирилаётган "Йилнинг энг яхши ижтимоий ходими" республика кўриқ-танлови эса тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассислар учун мотивация бўлиб хизмат қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, куни кеча мазкур танловнинг

да"ги қарорига асосан ҳар икки йилда бир марта ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.


Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ўзгалар парваришига муҳтож ҳамда ёлғиз истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат қўламини кенгроқ очиб бериш, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, ушбу йўналишда ижтимоий ходимлар касбига қаратилаётган юксак эътиборни батафсил ёритишдан иборат.

Ижтимоий хизмат – шахсининг турмуш сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратиш ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш буйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари мажмуини ўз ичига олади.

Кўриқ-танловнинг вилоят босқичида туман (шаҳар)ларда ғолибликни қўлга киритган 15 нафар ижтимоий ходим учта шарт буйича билим-кўникмаси ва маҳоратини синовдан ўтказдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, биринчи ўринга Қамаш тумани ижтимоий ходими Озода Юсупова сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Миришкор тумани ижтимоий ходими Дилноза Сафаровага nasib этди. Учинчи ўринни эса Шахрисабз шаҳар ижтимоий ходимаси Нигора Маликова эгаллади.

Шоира ҲАЙДАРОВА,
Қашқадарё вилояти
Тиббий-ижтимоий
хизматлари ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи



муҳтож, ёлғиз кексаларга бепул тақдим этиладиган озиқ-овқат ва гигиена воситалари сони 15 тадан 19 тага оширилди. Ногиронларга текин ажратиладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситаларининг рўйхати кўпайтирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 25 мартдаги "Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахс-

Қашқадарё вилоят босқичи ҳам юксак савияда ўтказилди.

Бу кўриқ-танлов давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 июндаги "Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларининг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғриси-

XXI ASR

Ўзбекистон!!!

Қаранг, она юртимиз номи қандай ёқимли жаранга-лайди, беихтиёр фахрланасан киши. Ота-боболардан мерос маконни асраб-авайлаш, севиш ва ардоқлаш, порлоқ истиқболи учун астойдил меҳнат қилиш бурчдир. Сабаби бундай диёрни бошқа жойдан толиб бўлмайди.

бемалол. Исталганча хоҳ нақд, хоҳ электрон кўринишда пулларингизни айирбошлашингиз мумкин.

1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланиб, 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилганини ҳар қанча мақтаса кам. Келгуси йилда эса 2005 йилгача мамлакатимизга келиб, доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролиги

Меҳр берайлик, шунда ишонади

XXI ASR

Миробод туманидаги “Лолазор” маҳалласида бугунги кунда 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Маҳалламиз раиси Манноб Аҳмедов тиниб-тинчимайдиган одам, ҳамма билан тил топишади. Айниқса, навқирон авлод вакиллари билан суҳбатлашиш, дардлашишга ҳар доим фурсат топади.

Оддий мисол, ҳудудимизда мактаб, коллеж ёшдагилар 800 нафар. Уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ иштирокини таъминлаш, дарс пайтларида кўнглочар масканлар, интернет кафе-лардан кўра, спорт, фан тўғралакларига жалб этиш ҳақида кўпроқ қайғуришади. Маҳалламиз қошида шахмат-шашка, футбол тўғралакларига ташкил этилган. Спортсевар ёшларимиздан тузилган футбол жамоаси маҳаллалар ўртасида ўтказилган “Футболимиз келажак” мусобақасида юқори

натигага эришгани ҳам фикримиз далилидир. Шунингдек, компьютер саводхонлиги билан бирга хорижий тилларини ўрганиш тўғралакларига фаолияти ҳам изчил йўлга қўйилган. Тадбиркорликка қизиққан ёшларимизга эса банкдан имтиёзли кредит олишига кўмаклашяпмиз.

Ёшлар билан ишлаш кишига завқ бағишлайди. Сабаби ўзимиз эришолмаган орзулар улар тимсолида рўёбга чиқётганидан қувонамиз. Улар билан турли мавзулар, жумладан, жино-

ятчилик, ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм ва ақидапарстликнинг олдини олишда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги, оммавий маданият билан боғлиқ мафкуравий таҳдидлар хусусида жонли мулоқотлар ўтказамиз.

Баъзан айримлар бугунги ёшлар тарбиясидан нолиб қолишади, ана шундай фикрдаги ёши катталарни суҳбатимизга чорлаймиз. Фикрлари ўзгаради, ўз навбатида, ёшларимиз ҳам уларнинг панд-насихатларига амал қилишни ўзларига бурч деб қабул қилади. Демак, меҳр ва ишонч қанча кучли бўлса бас, қолганини ўзларига қўйиб берайлик.

Шоҳжаҳон БОЙНАЗАРОВ,
Миробод тумани
“Лолазор” МФЙ
раисининг ёшлар
билан ишлаш
бўйича ўринбосари

ЮТУКЛАРНИ кўролмаслик кўрнамаклиқдир

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ҳар беш йилликнинг энг муҳим сиёсий тадбири – Президент сайловига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Унда қайси партиянинг голяри халққа яқин бўлса, ўша сиёсий кучдан кўрсатилган номзоднинг кўли банд келишини экспертлар тез-тез тақдорлашади.

Кўпчиликда ўтаётган кунларни бир-бири билан таққослаш одати бор. Кимдир ҳаёти яхшилаганидан хурсандлигини таъкидласа, бошқа биров нолишдан нарига ўтолмайди. Лекин таҳлилий фикрлашдан йироқлашиб кетишгани ачинарли.

Мана, масалан, нархлару жарималар юқорилиги, йўллар ва янги уй-жойлар қурилишидаги камчиликлар, турли соҳалардаги коррупция аломатлари бугун ё кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ-ку?! Йиллар давомида ўзимиз бефарқ кузатувчиси бўлиб, яратилган муаммоларни бир кун ёхуд нари борса, икки-уч ойда ечишни талаб қиладиганларни тушуниш мушкул. “Ҳолва” дегани билан оғиз чучимаслиги рости, бироқ мавжуд камчиликлар қаторида кейинги беш йилда ҳаётимизни яши тарафга ўзгартирган ислохотлар муваффақиятини кўра олмаслик кўрнамаклиқдир.

Яқин-яқингача ўқитувчи ва ўқувчилар ўқув йилининг деярли ярмини пахта даласида ўтказгани кимнинг эсидан чиқди? Натижада фарзандларимизнинг ўзлаштириш даражаси қониқарсиз ҳолатга тушиб қолгани аксиома-ку! Шифокорлар ҳам пахтага сафарбар этиларди. Аммо энди ўша аҳмоқгарчиликларга барҳам берилди, мажбурий ва болалар меҳнати тўхтатилди.

Энг ёмони, аввал 2-3 ойлаб маош ва пенсиялар кечикиши “анъана”га айланганди. Янги Ўзбекистонда бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилди.

Беш олти йил илгари тижорат банкларида хориж валютасини сотиб олиб бўлмасди. Аммо марҳамат, “қорабозор”ларда йўлга қўйилган “валютчик”лар хизматингизга мунтазир эди. Давлат курсидан икки баравар қиммати, албатта. Бугун эса конвертация хизмати

берилиб, бу билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлади.

Деярли ҳамма дуч келган прописка масаласи ҳам ечилди, ахир. Тошкент шаҳри пропискиси ёпиқлиги қолган ҳудудлар аҳолиси учун турли ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни юзага келтиргани дарров ёдимиздан кўтарилди.

Охири 4-5 йилда матбуот ва сўз эркинлиги борасида катта имкониятлар яратилди. Ўзбекистондаги барча соҳалар журналист ва блогерлар учун очилди. Ижтимоий тармоқларда ўтириб, ҳаттоки энг кичик маиший муаммоларимиз ечимини англаб-англамай бемалол ёзадиган-гапирадиган бўлдик. Беш йил аввал шундай бўлади деса, ҳеч ким ишонмасди.

Яқин-яқинларда ҳам прокуратура, солиқ ва ички ишлар бўлимлари ваҳимали идоралар эди. Ҳозирда улар одамларнинг дардини тинглаяпти. Сабаб, тўрт секторга ажратилган ҳудудларга жавобгар. Масъуллар уйма-уй юриб аҳолининг ижтимоий аҳоли билан танишяпти. Вазирларнинг муносабатининг хонадонига борганини илгари биров кўрганми?

Юқоридаги каби ижобий ҳал бўлган муаммоларни эътиборга оладиган бўлсак, қийинчиликларга қарамай, йилдан-йилга аҳолиимиз яхши томонга ўзгаришти дейишга асослар етарли. Фуқаролар ва ҳокимият ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса, мутасадди ташкилотларда масъулиятли ва билимли кадрлар кўпайса, сиёсий партиялар, жамоатчилик назоратида биз ҳам фаол бўлсак, ҳуқуқий маданият тўғри шаклланса, юқорида санаб ўтилган муаммолар ижроси янада тезлашган бўларди.

Хуллас, Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшашни ўзига бош мақсад қилган халқимизнинг мунаввар орзуларини рўёбга чиқариш ўз кўлимизда. Нолиб ўтирганнинг нони ярим бўлиб қолаверади.

Даврон ТЕМИРОВ,
O'zLiDeP Бўка туман кенгаши
депутатлик гуруҳи ижрочи котиби

Қилмиш-қидирмиш

Пора таклиф қилувди, чора ўзига кўрилди!

XXI ASR

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция ходимларининг вазифаси масъулият экани ҳеч кимга сир эмас. Улар хизмат вазифасини бажараётганда ҳар хил ҳолатларга тушиб қолишади.

Ҳуқуқбузар бра-

коньерлардан тортиб, амалдаги қонунларни менимай-диган “тадбиркорлар” экоинспекторларни чув тушуриш йўлини излашади. Кимдир тўхмат қилса, бошқаси таъйиқ ўтказмоқчи бўлади. Учинчи тоифаси эса қинғир ишини пора бериш йўли билан ёпмоқчи бўлади. Лекин Давлат экология қўмитасининг ўз касбига содиқ фидойи ходимлари бундай усулларга алданиб қолишмайди.

Куни кеча Янгийўл туманида содир бўлган воқеа ҳам фикримиз далилидир. Экология ва



атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат инспекторлари ушбу ҳудудда ноқонуний қумшағал қазиб олинаётган жойдаги ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш юзасидан ўз ваколатлари доирасидаги ишларни амалга оширишади. Қонунчиликда белгиланган жарималар расмийлаштирилиб, қум-шағал қазиги жалб этилган

техникалар олиб қўйилади.

Лекин бироздан сўнг экоинспекторлар хузурида Х. исмли шахс пайдо бўлиб, мазкур “бизнес” унга тегишли экани ҳамда шу ишни ими-жимиде ёпишни сўрайди. Бунинг учун 4 000 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилади.

Ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган Давлат экология қўмитаси ходимлари бу таклифни кескин рад этишади. Х. эса уларга яна бошқа йўллар билан таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Аммо ҳеч нарсага эриша олмайди.

Аксинча, Х. нинг ўзи экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат инспекторига пора бераётганда Давлат хавфсизлик хизмати ва Прокуратура департаменти ходимлари томонидан воқеа жойида кўлга олинди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тегишли идоралар томонидан дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Давлат экология
қўмитаси
Матбуот хизмати**

КИМДИР СУВГА ЗОР,

Сув бор экан, чўллар бўстонга айланади, далаларда мўл-кўл ризку рўз етиштирилиб, халқнинг фаровонлиги кун сайин ортиб бораверади. Аммо сувга хўжасизларча муносабатда бўлини, тежаб-тергаб фойдаланилмаса, қандай оқибатларга олиб келишига кўхна тарих гувоҳ. Кумбўронлари кўзни очирмаётгани, сахрога айланган Орол денгизи фожиаси бизга сабоқ бўлмаяпти. БМТнинг далиллашича, дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайдиган 80 та мамлакатда одамлар ичимлик суви етишмаслигидан қийналмоқда. Маълумотларга қараганда, Ер шаридаги сув захираларининг 97,2 фоизи ичиш учун мутлақо яроқсиз ҳисобланган океанлардаги шўр сувлардан иборат. 2,2 фоизи эса музликларда бўлиб, инсон яшайдиган манзилдан анча йироқда. Дунёдаги барча дарё, кўллар ва ерости сувларининг захираси умумий сув захирасининг 0,6 фоизини ташкил этиб, маълум қисмигина истеъмолга яроқлидир. Чучук сувнинг 98 фоизи еростида жойлашган, унинг ярми 800 метр чуқурликдан тортиб олинади. Бунинг учун каттагина маблағ сарф этилаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Бизнинг мамлакатимизда эса энг арзон ва беқадр неъмат сув бўлса керак. Ерости чучук сув таъминоти манбаларидан тежамли фойдаланиш, уларни асраш борасидаги ишлар, минг афсуски, кўнгилдагидек эмас. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ҳам соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб даражасида эмаслиги алоҳида таъкидланганди. Ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари тўлиқ ўрнатилмагани, тизимни мониторинг қилишнинг ягона механизми йўқлиги туфайли сув исрофи ҳаддан зиёд кўп кузатилмоқда. Боз устига, сувни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ошиб кетаётгани тармоқда қатор қийинчилик ва иқтисодий етишмовчиликлар юзга келишига сабаб бўлаётди. Бир сўз билан айтганда, тизимга замонавий бошқарув усуллари етарли даражада жорий этилмагани, кадрлар салоҳияти пастлиги сув таъминоти ва канализация объектларини самарали бошқариш имконини бермаяпти.

ВОҲАДА ТАЪМИНОТ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Қашқадарё мамлакатимизнинг ичимлик суви танқис вилоятларидан бири ҳисобланади. Китоб, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларини ҳисобга олмасак, қолган ҳудудларда ерости тоза ичимлик сув захираси жуда кам. Маждудлари ҳам шўр бўлиб, у билан суғорилган дарахтлар тезда қуриб қолади. Сабзавот экинларининг ҳосили пшмай, қовжираб қолади. Вилоятда бугунги кунда 3 млн. 316 минг аҳоли истиқомат қилаяпти. Шундан 1 млн. 226 минг нафари ёки 37 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Деҳқонobod, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари аҳолисининг бир қисми дарё, сой, канал, ариқ, ҳовуз ва бўлоқ сувларидан истеъмол қилади. Ёзининг иссиқ кунда дарёю каналлардан оқиб келаётган чиқиндиларни кўриб, бу жойдан одамлар сув ичишига ишонгинг келмайди. Шундай виждонсиз ва бефароат кимсалар борки, жуда ҳам кам миқдорда бўлган ичимлик сувини тоза сақлаш ўрнига, очик сув ҳавзаларига, дарё, канал ва ариқларга ҳар хил зарарли чиқиндилар ташлаб, оқова сувларни оқизиб, ифлослантириб ташламоқда. Айрим иймонсизлар дарёга итнинг ўлиғини молнинг ахлатини ҳам улоқтиришади. Аммо уларни ҳеч қим назоратга ололмайди, чора ҳам кўролмайди. Минг афсуски, ўша очик сув ҳавзаларидан одамлар йил давомида сув ичишга мажбур. Бошқа манба бўлмагач, нима ҳам қилишин бечоралар. Сувни муҳофаза этиш, тозаланини сақлаш ва келажак авлодга қолдириш бугуннинг энг долзарб вазифаси экани

унутилмоқда. Умуман олганда, бу маъсул вазифа кимга юклатилганини ҳам ҳеч ким билмайди.

Аҳолини сифати кафолатланган тоза ичимлик суви билан таъминлаш дунё микросидаги глобал муаммолардан саналади. Мутахассисларнинг айтишича, тозаланмаган қаттиқ сув инсон организмда кўплаб касалликларни келтириб чиқарар экан. Президентимизнинг "2017–2021 йилларда ерости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, тизимни илғор тажрибалар асосида жадал ривожлантириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди. Хужжатда ерости сувларини ҳисобга ҳамда улардан фойдаланишни назоратга олишга ваколатли давлат органлари белгиланиб, сув ресурсларини тежамли ишлатиш, ифлосланиши ва камайишига йўл қўймаслик бўйича тегишли вазифалар берилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган дастурда ерости чучук сув захираларини асраш, бор имкониятни ишга солган ҳолда кўпайтиришнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилган.

Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Фузор, Косон, Муборак, Нишон, Миришкор туманлари ва Қарши шаҳри аҳолиси асосан Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларидаги суволғичи артезиан қудуқларидан қувурлар орқали юбориладиган ичимлик суви билан таъминланади. Қарши шаҳри, Қамаш, Фузор, Косон, Муборак туманларига марказлашган тарзда берилётган ичимлик суви етишмаслиги кузатиляпти. Ишлаб чиқарилган ичимлик сувига нисбатан табиий ва технологик йўқотишлар миқдори 2019 йили 34,53 фоизни ташкил этган эди. Бу йил эса мазкур бўрасида амалий ишлар қилинмяпти.

Аксарият водопровод тармоқлари капитал таъмирга муҳтож. Шахрисабз-Қарши-Муборак, Яккабоғ-Муборак магистрал сув қувурлари туман қишлоқларидан ўтган бўлиб, улар аҳоли томонидан ноқонуний равишда тешилиб, сифатсиз қувурлар уланиб, ҳатто томорқалар суғорилмоқда. Босим камайганда ёки сув тўхтатилганда, мана шу тирқишлардан микроблар марказий қувурга тушяпти. Бу эса аҳоли истеъмоли учун юборилаётган тоза ичимлик суви ифлосланишига, турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Қишда эса ўша қонунбузар фуқаролар қувурлари музлаб қолмаслиги учун катта маблағ эвазига қазиб олинаётган, тиллога тенг ичимлик сувини ариқ ва зовурларга кечая кундуз оқизиб қўймоқда. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг йиғилишида ушбу масала ўтган йиллар мобайнида бир неча бор муҳокама этилиб, ичимлик суви сифатини назорат қилиш борасида амалий тақлифлар билдирилганди.

Мутасаддилар йиғилиш қарорларини инобатга олишни исташмади, бирорта амалий иш бажарилмади.

Тўғри, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси томонидан қонунбузарларни тартибга солиш, жаримага тортиш борасида бирмунча ишлар қилинмяпти. Бош инспектор Зафар Рў-

бормаётгани боис ичимлик сувини сотиб олиб, истеъмол қилади. Кўп қаватли уйларнинг юқори қаватида яшаётганлар босим пастлиги учун сувини ташиб ичишади. Ҳартугул, вилоят марказида сувнинг нархи бироз арзонроқ. Бир машина сувини 50–60 минг сўмга ҳовузга тўкиб беришади. Аммо туманларда ёз ойларида сув нархи анчагина кўтарилди.

– Қишлоғимиз кўп йиллардан буён ичимлик сув таъминоти ёмонлигидан азият чекиб келмоқда, – дейди Фузор туманидаги Эшонқудуқ қишлоғида яшовчи Иброҳим Турдиев. – Айниқса, ёз ойларида ниҳоятда қийналамиз. Ҳамқишлоқларим қайсидир сув тарқатиш шохбасидан олиб келинадиган 5 тонна, яъни бир машина сувини баъзан 150 минг, баъзида эса 180 минг сўмга сотиб олади. Шу сувдан моллари суғорилади, ўзлари истеъмол қилади. Аммо сув кўп ишлатиладиган ёз ойларида бунча пулга сув сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби



зикуловнинг таъкидлашича, Қамаш туман Чим қишлоғида яшовчи Неъматилла Ҳасанов, Шоҳиста Эшмуродова, Салим Юсупов ичимлик сув қувурига ноқонуний уланиб, ўзбошимчалик билан фойдалангани учун МЖТКнинг 72³-163-моддаларига асосан 1 225 000 сўмдан жаримага тортилган. Эътибор қилин, кўп йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда истиқомат қилаётган 17 нафар фуқарога нисбатан 21 560 000 сўм жарима қўлланилган бўлиб, шундан 4 615 000 сўми ундирилган, холос. Одамлар жаримага тортилса-да, бироз муддатдан сўнг яна қувурларга уланиб, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланмоқда. Уларни назорат қилиш ҳеч қимнинг қўлидан келмаяпти. Балки "қувуртешарлар" отнинг калласидек жаримага тортилиб, ундириб олиш ҳам пайсалга солилмаганда, аҳвол ўзгарармиди. Ҳар ҳолда, гап инсон саломатлигини сақлаш ҳақида кетяпти.

НАРХИ ҚАНЧА?

Вилоят маркази Қарши шаҳри аҳолисининг катта қисми қувурдан этиб

етмайди.

Тумандаги Дарча қишлоғи аҳолиси бир машина сувини 180–200 минг сўмга харид қилади. Кўпинча ҳайдовчилар Шайхалидаги сув тарқатиш шохбасидан сув олишади. Аммо бу ерда ҳаммиша ҳам сув бўлавермайди. Шу боис Қарши шаҳридан ташишга мажбур. Масофа узоқлашгани сайин нарх ҳам ошиб бораверади. Қарши шаҳридаги Чорғумбаз қишлоғида 1 машина сувини 30–35 минг сўмга сотиб олиш мумкин. Аммо Косоннинг "Замин" МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолига эса 200 минг сўмга тушади.

Аҳолининг аксарият қисми ташиб келтириладиган сувини истеъмол қилади. Энди ўзингиз ўйланг, ҳайдовчилар тиббий кўриқдан ўтганим, зарарли кимёвий моддалар хусусияти ҳақида биллишадими, санитария-гигиена тушунчасига эгами? Бу саволларга юз йилда ҳам жавоб ололмайсиз. Суви қардан олгани ҳақида сўрайверсангиз, келтирган сувини ҳовузга тўкмасдан жуфтани рoстлаб қолади. Чунки маҳалла тўла олармон бўлса, саратон ойда ким ҳам ноз қиларди дейсиз. Шу боис "водавозчи"нинг тумшуғи кўтарилган, одамни

КИМДИР ҚИЛУР ХОР

менсимайди. Ахир, коронавирус инсон ҳаётига ҳар лаҳза раҳна солаётган бугунги таҳликали кулларда сув ташувчи машиналар ҳайдовчилари тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши керак эмасми?

“Қашқадарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти директорининг биринчи ўринбосари Тўлқинжон Якубовнинг таъкидлашича, вилоят аҳолисининг бир кеча-кундузда сувга бўлган талаби 329 минг м³ни ташкил этиб, 6 та сув ишлаб чиқарувчи иншоотларидан 239 минг м³, Талимаржон сув омборидан 90 минг м³ сув насослар ёрдамида тортиб олиниб, истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида 30 млн. 101 минг м³ ичимлик суви сотилган. Ачинарлиси, вилоятда ичганига мункир келадиган виждонсиз одамлар ой сайин кўпайиб бормоқда. Улардан сувчилар у ёқда турсин, мажбурий ижро бюроси ҳам истеъмол қилган ичимлик суви

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Қарши шаҳрида канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш лойиҳасини амалга ошириш учун 76,04 млн. АҚШ доллари йўналтирилган.

СИФАТИГА КАФОЛАТ БОРМИ?

Вилоят санитария эпидемиология оқойишталик маркази ва жамоат саломатлиги бошқармаси санитария врачлари Шариф Остоновни Қашқадарёда ичимлик суви таъминоти илмининг академиги десак, муболага қилмаган бўламиз. Бутун умрини ичимлик суви сифати ва таъминотини яхшилаш борасидаги хайрли ишларга бағишлаб келаётган бу билимдон шифокор муттасил равишда амалий тақлифлар билдиради, гарчи фикрлари ҳавога учиб кетаётган бўлса-да. У киши билан суҳбатимиз тез

ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш учун ичимлик суви сифатини яхшилаш, зарарсизлантирилган ҳолда истеъмолчиларга тарқатиш юзасидан мунтазам равишда тақдимнома ва хатлар киритяпмиз. Аммо натижа кўнгилдагидек бўлаётгани йўқ.

Нишон туманидаги Қарши магистрал каналнинг 162-пикети, яъни Талимаржон сув омбори чиқиш дарвозасидан 1 километр қуйроқда жойлашган водопровод сувларини тозалаш иншооти авария ҳолатида бўлгани боис насослар ёрдамида Амударёдан тортиб олинаётган сув тозаланмасдан, Нишон, Касби, Қарши туманлари аҳолиси истеъмолига берилаётир. 1988 йили ушбу сув тозалаш иншоотини қабул қилиш Давлат қабул комиссияси томонидан рад этилган эди. Утган йиллар мобайнида уни талаб даражасида жиҳозлаш ва ишга тушириш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Бундан ташқари, Навоий вилоятидаги сув омборидан “Муборак-нефтьгаз” МЧЖ қувурлар орқали сув тортиб келган. Бу ердаги сув тозалаш иншооти ҳам ишламаётгани боис одамлар тозаланмаган сувини ичишга мажбур бўляпти.

Ичимлик суви ишлаб чиқарувчи ва истеъмолга тарқатувчи корхона ва ташкилотларнинг идоравий назорат олиб борувчи бактериологик ва кимёвий лабораториялари мавжуд бўлиши, улар ишлаб чиқарилган сувларни истеъмолга тарқатишдан олдин текшириб кўриши белгилаб қўйилган. OzDst 950-2011 гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Давлат стандартига кўра, ичимлик сувини ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга тарқатадиган корхона ёки ташкилот жавобгар ҳисобланади.

“Қашқадарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятида сувини кимёвий ва бактериологик таркибини аниқловчи лаборатория бўлиши ёки шундай ваколатга эга лаборатория билан шартнома тузиши шарт. Мана, йигирма йилдирки, жамият тасарруфидаги лаборатория ишламайди. Кўп йиллардан буён оғоҳлантириб келаётганимиз боис, ниҳоят, давлат стандарти талаблари асосида қандай намуна олиш кераклиги ҳақида мурожаат этишди-ю, шартнома тузиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмади.

Водопровод ички тармоғида сув босим остида узлуксиз берилиши керак. Лекин Қарши шаҳрида кунига икки маҳал бир соатдан сув берилди. Айни кунларда кунига бир маҳал, баъзида икки кунда бир соат сув бериляпти. Аммо босим пастлиги учун кўп қаватли уйлارнинг юқори қаватларига сув чиқмаяпти. Одамлар пастдан сув ташиб чиқишга мажбур бўлишяпти. Мутахассисларнинг айтишича, сув қувурлари тортилган 1965-1970 йиллари Қаршида 32 минг аҳоли яшарди. Ҳозир эса 300 мингдан ортиқ одам истиқомат қилади. Аҳоли кўпаймоқда, таъминот эса ўша-ўша.

Чирокчи туманидаги Еттигом мавзесида ҳам тоза ичимлик суви захираси бор. Ҳисорак сув омборидаги сувнинг қаттиқлик даражаси 1,8 ни ташкил этади. Уш сувини Мирқоши орқали олиб келиб, ВУ-3 га улаб юбориш мумкин. Яккабоғдаги ВУ-5 дан қувурлар орқали Фузорга келтириляётган ичимлик

суви истеъмолга яроқсизлигини мутахассислар айтишган. Аслида бу сувини тозалаш иншоотидан ўтказиб, аҳолига тарқатилса, инсонлар саломатлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшилган бўларди. Воҳада 70-80 та қудуқ мавжуд, аммо уларнинг барчасидан олинаётган сувларни истеъмолга яроқли деб бўлмади.

Исроил, Араб мамлакатларида, Бухоро, Хоразм вилоятларида сув тозалаш иншоотларидан самарали фойдаланиб келиняпти. Қашқадарё аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳам ана шундай технологияларни ишга тушириш зарур. Қарши шаҳри ерости сувлари 2-3 тоифали сув манбалари ҳисобланади. Агар замонавий сувини тозалаш иншоотлари фаолияти тикланса, сув таъминотини кескин яхшилаш мумкин. Вилоят онкология шифохонаси ва 1-автоювиш шохобчаларида бундай ускуналардан унумли фойдаланиляпти.

– Қишлоғимизга ҳам водопровод қувурлари тортила бошлаганда пешонамизга офтоб тегиб, биз ҳам энди тоза сув ичарканмиз деб хурсанд бўлган эдик, – дейди Яккабоғ тумани “Ёшлик” МФЙ Тўрт оғайни қишлоғида яшовчи Азамат Қурбонов. – Аммо водопровод қувурлари бизгача етиб келмади. Йигирмадан ортиқ хонадон ичимлик сувидан бебаҳра қолдик. Биз ариза ёзишни бошлаганимиздан сўнг тўртта ҳоким ишдан бўшаб кетди. Энди янгисига ариза ёзмамиз деб турибмиз. Лекин натижа бўлмапти-да. Қишлоқ ўртасида битта чашма бор. Одамлар бу чашмага чиқинди ташлашади, итлар сув ичади, молларини суғоради. Биз ҳам шу сувдан ичамиз. Биздан кейинги кўчага борсангиз, жаннатни кўргандай бўласиз. Эшиклар тағида водопроводдан тоза сув оқиб ётибди. Уларни эса Қарши сувидан улаб олиб томорқа суғоришяпти. Аммо ҳеч ким уларнинг мушугини “пиш” демайди. Ариза ёзганимиздан сўнг туман “Сувоқова”дан бир йигит келиб, ишлар тўхтаганини, яна қачон бошланса, ўтказиб беришларини айтиб, катта ваъдалар бериб кетди. Қутавериш сабр косамиз тўлди. Кимга арз қилишни, қаерга мурожаат этишни билмай бошимиз қотган.

...Қарши шаҳрининг қоқ марказида кўп қаватли уйда яшайман. Мен дам оладиган хона тағида кран бор. Тонг ёришмасдан хотин-халаж ва болалар идишларини қаторлаштириб, талаши-тортишиб сув ола бошлайди. Босим пайсаги кунлари навбат катта жанжалга айланади. Ишга кетаётганимда ҳам, қайтаётганимда ҳам деразам тағида сув келишини кутиб, баклажкарларини кучоқлаб ўтирган ҳамшаҳарларимни кўриб, ачиниб кетаман. Бешинчи қаватда яшайдиган чолу кампир ҳаммадан олдин навбат олишади. Баклажкарларини сувга тўлдириб, тушгача юқори қаватга ташиб чиқишади. Улар кексалик гаштини ана шундай суришяпти. Юзлаб ташна инсонлар деразам тағида сув келишини пойлаб, тунни тонгга улаган пайтлари ҳам бўлган. Биз беш қаватли уйда яшаймиз-у, сув иккинчи қаватга ҳам чиқмаяпти.

Бугун Қарши шаҳри улкан қурилиш майдонига айланган. Етти, ҳатто ўн тўрт қаватли уйлар бунёд этиляпти. Аҳвол шу тарзда кетаверса, шаҳарнинг осмонўпар биноларида яшаётган ҳамюртларимизнинг ҳоллари маймулар йиғлаши турган гап...

Сайфулла ИКРМОВ,
“XXI asr” муҳбири



учун ҳақ ундира олмаганди. 2021 йил 1 январь ҳолатида жамиятда 37 млрд. 200 млн. сўм дебитор қарздорлик мавжуд бўлиб, 2021 йил 1 майга келиб, 51 млрд. 137 млн. сўмини ташкил этган, яъни 13 млрд. 937 млн. сўмга кўпайган. Давлат дастурлари доирасида бу йил 373 минг аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш учун 432,4 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, вилоятда ичимлик ва оқова сув тизимини реконструкциялаш ва қуриш учун халқаро молия институтларининг 156,39 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредитлари жалб этилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги 427-қарорига асосан Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ерости қонидаги сув олиш қувурига яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича Саудия Арабистони ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармалари билан ҳамкорликда 50,95 млн. АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 220-қарорига асосан

кўр олди. Дарҳол катта картани очганча, воҳа аҳолисининг сув таъминоти борасидаги муаммолар ҳақида сўзлаб бошлади.

– Вилоятда 5 та сув олиш тармоғи бор, – дейди у. – Ерости иншоотлари ҳисобланган ВУ-2 Шаҳрисабз шаҳрида, ВУ-4 Китоб туманида, ВУ-1 ва 5 Яккабоғ туманида, ВУ-3 эса Шаҳрисабз туманида жойлашган. Учта тумандаги ерости чучук ичимлик суви чиққан ҳудудларга “Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд” мақомини бериш тўғрисида ҳужжатлар тайёраганмиз. Нафақат ўша ҳудуд, балки сув қувурлари ўтган жойлар ҳам муҳофаза қилиниши керак. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда бу ниҳоятда муҳим. Қудуқлардан олинаётган сувларнинг сифатига келсак, Яккабоғдаги ВУ-5 суви жуда қаттиқ, давлат стандарти талабларига жавоб бермайди. Бу ерда тозалаш иншооти қуриб, ундан чиққан сувини аҳоли истеъмолига беришимиз керак. Нимчорак асрки, бундай иншоот воҳада ишлаган эмас, ишламасаям керак! Биз мутасаддиларга сув миқдорини кўпайтириш, юқумли

Ганга оқшоми

ёхуд кўприклар ва ўзиюрар зиналардаги қулай ва ноқулайликлар хусусида

XXI ASR

Ҳар куни пиёда юришга одатланганман, манзилларим ҳам хаёлотим каби ўзгариб туради. Бу галги кичик саёҳатим Олой бозори кўпригидан Ганга майдонида бўлди.

Азим дарахтлар соя солиб турган текис ва кенг йўлақлар бўйлаб кетяпман. Кўчаларнинг тоза ва озодлиги, анвойи гулларнинг солланиб кутиб олиб, кузатиб қолаётгани кишига ўзгача завқ беради. Қўлида шарча тутган фарзандларини етаклаб кетаётган ота-оналар, ўриндиқларда роҳатланиб суҳбатлашаётган кексалар юзидаги шодмонлик, хотиржамликдан кўнгил кўтарилади.

Йўл-йўлакай таниш манзараларга худди ҳозир кўзим тушаётгандай ҳайрат ва завқ билан термилиб кетавераман. Ўнг томонда “Жасорат” монументи, болакайлар унинг атрофида гир айланиб, бир-бирини қувлаб юришибди. Шукрки, улар бу жой бир вақтлар Тошкентда бўлган кучли зилзиланинг ўчоғи эканини билишмайди. Билмасин ҳам, бундай офатларни кўрмасин ҳам. Чап томонда “Туркистон” саройининг ёзги майдонидан таралаётган мусиқа садолари, чироқлар ёғдуси борлиқни тутиб кетган. Хаёллар оғушида сайр этарканман, бугунимизга, тинчлигимизга шукрона келтираман.

...Чорраҳадан ўнг бўлмадаги пиёдалар йўлагига ўтиб оламан. Чунки Ганга майдонидаги катта чорраҳа устидан ўтган пиёдалар учун махсус йўл ўтказгичга чиқиб, тепадан пойтахт оқшомини кузатмоқчиман.

Машҳур “Ганга”да 6 йил бурун Хадра майдони ва Себзор даҳасини боғлаган маҳобатли автомобиль



ўтказгич – кўприк қурилгач, автомобильлар тирбандлиги баҳоли қудрат бартараф бўлди. Фақат пиёдалар энди йўлусту кўпригидан юришади.

Юқорига кўтарилган 30-40 пиллапоялик зиналар мени кутиб турарди. Шу ерга етганда кўнгилни хира қиладиган ҳолатга дуч келдим. Гап шундаки, кўприкда айнан қариялар, беморлар учун эскалатор мавжуд. Бир пайт 4-5 ёшли қизалоқни етаклаб олган кекса онахон секин-секин зинага чиқмоққа чоғланди. Ая иккиланиброқ туриб, дастлабки поғонага бир оёғини қўйдию иккинчисини кўтаришга қурби етмади...

– Онажон, сиз учун ана, ўзиюрар

зина бор, – дедим эскалаторни кўрсатиб.

Уларга кўмаклашиб, бирга кўтарилмоқ учун ўзиюрарга биргалашиб қадам босдик. Аммо... у ҳаракатланмаса денг! На уни бошқариб турадиган бошқарувчи бор, на йўловчилар ўзлари босиши учун бирор тугма?!

Атрофни гир айланиб, иккисиниям тополмадим. Онахон эса бир йўлнинг нариги тарафига, бир юқорига – зиналарнинг охирига қарайди. Мен эса уларни ташлаб кетолмай ҳалакман.

– Мановинга у томондан музқаймоқ обераман, дегандим, кун узок, домда зерикиб чиққандик-да, қизим, сизни ҳам овора қилиб йўлдан қолдирдим, – дейди ноқулайликдан хижолат тортиб. – Оёғимга шина қўйдирганман, букилмайди савил. Пойтахтга келмаганимга анча бўлувди, авваллари шу ернинг ўзидан ўтардик. Неварамга ваъда бериб бажармаслиқни ёмон кўраман. Наилож, юр, болам шу атрофлардан обераман...

Ҳашаматли кўприк лойиҳачиларию қурувчиларига тасанно айтиб

келаётган сал аввалги ижобий фикрим ҳам битта ҳолат сабаб чилларчин бўлди-қолди. Бундай кўзбўямачилик кимга керак экан-а? Кейинчалик сўраб-суриштириб билдимки, Мирзо Улуғбек метро бекати устидаги, Нурафшон кўчасидаги, Оқтепа майдонидаги йўлусту кўприклар ҳам худди шундай, яъни ёшлар ва соғлом одамларга мослаб қурилган экан. Кекса ва бемор йўловчилар манфаати эса унутиб қолдирилганига нима дейсиз?!

Кечагидек эсимда, ўша пайтларда шу кўприкнинг телезкрандаги тақдиротида у барча инсонлар учун қулайликка эғалиги, ёшу қари, соғу беморларнинг ҳеч бир қийинчилиқсиз юра олиши ҳақида ҳамкасбларим роса оғиз кўпиртириб мақташганди. Буёғи неча пулдан тушяпти энди? Энг ёмони, бу кўприкларга нуроний отахон ва онахонлар, хасталар чиқолмаётган бир пайтда ногиронлик аравачасида ўтирган



ёки қўлтиқтаёққа суюнганларнинг аҳволини тасаввур қилаверинг!

Бошқа изоҳга ҳожат йўқ деб ўйладим ва шунча йўлни яёв босиб келиб, кўприкка етдим деганимда барча ўй-хаёлларим, қувонч-ташвишларим остин-устун бўлиб кетди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ÖZLİDEP

XXI ASR
UJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бoш муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дишода ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожидаин САЙИДИ
Алҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Нуридаин
УБАЙДУЛЛАЕВ
Бoш муҳаррир
уринбосари

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-ўй
электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тунги, фанс),
офис ва респондент
бўлими – 71 255-68-30.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами
билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаюнасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-ўй.
Газета офсет усулида, А-3 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 751 Тираж: 35165
Электрон газета тиражи: 505
Баҳоши келишилган нарҳда.
Тошпирлиди – 20:40

Тахририятга келган қўлималар тахрир
қилинмади ва муаллифларга
қайтарилмади.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси
назарида фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терлиди ҳамда дизайнер

Мавруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2313-497X



НАШР КЎРСАТИЧИ: 406
123456

Набатчи муҳаррир:
Нуридаин УБАЙДУЛЛАЕВ